

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМ ЖАНОБИ ОЛИЙПАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари!

Шу йил 29 июнь кuni Сеул шаҳрида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида фуқаролар фожиаи ҳалок булгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистон халқини чуқур қайғуга солди.

Халок булганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларининг оғир жудолик туфайли чекаётган қайғусига шерикмиз.

Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сизга ва Сиз орқали Корея Республикаси халқига, халок булганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдираман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон Меъморлари уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан сизларни — мамлакатимизнинг барча меъморларини самимий табриқлайман.

Халқимиз маънавияти тарихида меъморлик аъёнлари алоҳида урин тутати. Дунёга маълум ва машҳур Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиз билан ҳар қанча гурунлансак арзийди.

Ўртимиз обидалари каби новб меросга муносиб ворис бўлиш, ажодларимизнинг аъёнларини изчил давом эттириш ва ижодий ривожлантириш гоят қийин ва масъулиятли вазифа эканини яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда миллий аъёнларга эътибор сусайиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси деярли бир тусга кириб қолганини сиз, меъморлар мендан ҳам яхшироқ биласиз. Эндилликда бу хатоларни тузатиш пайти келди. Негаки, мустақил юрт ижодкор зиёлиларининг, шу жумладан, меъморларнинг ҳам онги ва тасаввури мустақил бўлмоғи керак.

Келажаги буюқ Ўзбекистонимизга муносиб кўркам ва гўзал бинолар, истироҳат масканлари, гузар ва майдонларнинг энг замонавий, аини пайтда миллий аъёнларга асосланган янги намуналарини яратасизлар, деб умид қиламиз. Бу — замон талаби, халқимиз талаби.

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайман. Ўртимиз ҳар доим обод ва жозибали бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ

1 июль кuni Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Меъморлари уюшмасининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жураев Президент Ислом Каримовнинг ушбу сана муносабати билан мамлакат меъморларига табриқномасини ўқиб берди.

Истеъдодли меъморлардан бир гуруҳига фахрий ёрликлар ва совғалар топширилди.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулганов иштирок этди.

МАРКАЗИЙ БАНК МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Хуқуқий ва жисмоний шахслардан сўровлар тушаётгани ҳамда хусусий тадбиркорлар ва акционерлик жамиятлари хуқуқларининг камситилишига йўл қўйилаётгани муносабати билан Марказий банк маълум қилади:

1. Банкда жорий ҳисоб варақаси бўлган хуқуқий шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам лимитланган чек дафтарчалари воситасида ҳисоб-китоб қилишдан фойдаланишлари мумкин ва туловлар миқдори ҳамда мақсади бўйича чекланмаган ҳолда ҳисоб-китобнинг ҳамма турларида бу восита қўлланилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курсатмаларига мувофиқ тижорат банкларининг муассасалари акциядор жисмоний шахсларга акция фойдаларини нақд пул билан тўлайди.

3. Хусусий кишилар ва фермерлар тайёрлов ташкилотларига топширилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари учун пул тўлаш жисмоний шахсларнинг жамғарма банкдаги алоҳида ҳисоб варақасига пул ўтказиш ва сўнгра шу ҳисобдан ҳисоб-китоб чеклари бериш йўли билан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларга ишлаб чиқарган маҳсулот ва бажарган хизмати учун ташкилотлар томонидан қонунда белгиланган тартибда уларнинг банк муассасаларидаги ҳисоб-китоб қилиш, жорий ёки шахсий ҳисобларига пул ўтказиш билан ҳақ тўланади. Бу ҳисоб варақаларининг эгалари банклар томонидан ҳеч қандай чеклашларсиз ҳар қандай корхона ва ташкилот билан товарлар ва хизматлар учун нақдсиз пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилади.



— Халқимизнинг ажойиб удуми бор: тўйга албатта тўна билан боради. Туманимизда ҳам ҳаётимизнинг олмос кўзгуси — мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига қизгин тайёргарлик аллақачон бошланиб кетди.

Туманимизда қурилишга катта эътибор беряпмиз. Утган йили ўнга яқин маҳаллаларнинг гузарлари битирилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу йил ҳам шу савобли юмушни давом эттиряпмиз.

Улугбек номи билан аталган богда, академия шаҳарчасида Олимлар маҳалласи бор. Шу маҳалла маркази мажмуи жадаллик билан қад ростлапти. Ҳозир катта бино тикланиб бўлди, уни пардозлаш ишлари бошланди.

Мажмуа ўзига хос маданий-маънавий марказ бўлади. Бу ерда фуқаролик ҳолати қайди қилинадиган хона урин олади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги олдида

Туманлар йўқламаси:

Мирзо Улуғбек

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Шавкат МИРЗИЁЕВ ҳикоя қилади:

Тақдир ипларини боглашга аҳд қилган ёшлар энди никоҳ ўқитиш учун вақт ўтказиб юрмайдилар: халқимизнинг бу қадимий табарруқ маросими ҳам шу ерда адо этилади. Келгусида ёшларимизнинг тўйлари, турли маърифий тадбирлар ҳам мажмуа бағрида ўтказилади. Шу мақсадларда ресторон ҳам қуриляпти. Шунингдек маҳалла кўмитаси идораси, турли хизматлар учун хизмат қиладиган хоналар ҳам бўлади. Маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган бино маҳалла аҳлини мамнун этади деб ўйлайман.

Маҳалла гузари турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олган ҳолда тикланишини бугун даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Сабаби, одамлар зарур нарсаларни излаб ортиқча вақт сарфламайдилар.

Мустақиллик байрамининг 4 йиллиги тантаналари Олимлар маҳалласининг янги гузарига ўтказилади. Бу ерда маҳалларимизда яшовчи хўнарандлар ясаган маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади. Бир маҳалла нонлари, иккинчиси дурадгорлик буюмлари, яна бири наққошлик, ўймакорлик — қўйингчи халқимиз айтганидек «топган гул — топмаган пива» келтиради. Шу кун камхарж оилаларга совға-саломлар топширилади. Моддий ёрдамлар кўрсатилади. Яна туман ҳокимлиги ҳисобидан камхарж оилаларнинг никоҳ тўйини ҳам ўтказиш мўлжалланяпти.

Мирзо Улуғбек богининг ҳам

қиёфаси ўзгаряпти. Уни тумандаги 27, 49, 113, 140, 171, 190, 225, 241-мактаблари ўқувчилари, туман илм-техника ўқув ишлаб чиқариш маркази талабалари ўз оталиқларига олишди. Улар бир қарич бўлсин буш ер қўйишмаяпти: анвойи гуллар экишмоқда, бог худудини покиза сақлашмоқда.

Худди шундай «Дўстлик» маҳалласида ҳам шитоб билан гузар қад ростламоқда. «Гулзор» маҳалласида эса хатто пардозлаш ишлари ҳам низоҳига етди!

Шунингдек «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси худудида болалар поликлиникаси ҳамда янги бозор ҳам битказилиб, фойданишга топширилади. «Тракторсозлар»

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

хўнара-техника билим юрти талабалари ҳам қараб туришмиди, Туман ҳокимлиги, айниқса, катта ёрдам берди. Ёрдам сураб бирон ерга бормадик, ўз кучимиз билан тиклади биноларни. Бугун гузаримизни келиб қурган кишининг ҳаваси келди. Бу ерда маҳалла кўмитаси хоналаридан, мўтабар кексаларимиз беш вақт тоат-ибодат қиладиган маҳсул хонадан ташқари новойхона, шинам чойхона, дурадгорлар, этикдўзлар, чарчилар учун хоналар мав-



жуд. Энг қувонарлиси — усталар ҳам, новойлар ҳам маҳалладошларимиз!

Халқимизнинг «Излаган имкон топади», «Аҳилликда ҳикмат қўп», деган доно марқоллари бежиз айтилмаган экан. Гузаримизга кимки

таширф буюрса бунга амин бўлиб кетади.

Мустақиллик байрами шодиданлари янги гузаримизда ўтказилади. Мархабо, азизлар!

Абдулла КЕНЖАЕВ,
«Гулзор» маҳалласи оқсоқоли.

Тадбиркорга омад ёр

«ЮЛДУЗХОН- БЕГИМ»НИНГ БЕКАЛАРИ

Мирзо Улуғбек туманида вужудга келаётган кичик қўшма ва шахсий корхоналар ичидан эндигина танилаётган «Юлдузхон-Бегим» хусусий корхонасининг маҳсулотлари тобора харидорғир бўлиб бормоқда. Иш фаолиятини бошлаганига ҳали қўп вақт бўлмаган ушбу жамоа аҳли туман иқтисодийнинг ривожлантиришида ва ички бозорини халқ истеъмоли буюмлари билан тўлдиршида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

— Бир вақтда кичкинагина булган ушбу тикув цехини тинмай изланиш ва ҳаракатлариимиз эвазига анча кенгайтириб ҳам олдик, — дейди жамоа раҳбари Марғуба Қомильжонова. — Ҳозир туманимиздаги 35 нафар хотун-қизлар турли хилдаги болалар кийимларини тўқиб-тикиб чиқаришмоқда. Янги яратилган моделдаги маҳсулотларнинг ўзи 22 турдан ортиди. Цехимизда 15 та тикув, 10 та тикув машиналари бор. Уларни мунтазам ишлатиб, ишчиларимизни доимий иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Ишимизнинг ривож топишига Президентимизнинг йил бошида чиқарган «Хусусий тадбиркорликда таъаббус қуратиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони катта мадад бўлиб хизмат кўрсатапти. Чунки хусусий тадбиркорлик йўлидаги изланишларни ҳамма ҳам осонликча енгавермайди. Бизлар эса ҳар қандай қийинчилик бўлмасин барчасига бардош бериб, ишимизда катта силжилар қиляпмиз, энг асосийси, маҳсулотларимиз халқимизга манзур бўлаётганиги бизни қувонтирмоқда. Шу туфайли ҳам тўқиб-тикиб чиқараётган асосий маҳсулотимиз болалар учун бўлсада, аммо катта ёшдагиларга буюртма асосида кийимлар тўқиб-тикиб бераёلمиз. Шунингдек маҳсул иккита кичик дўконларимизда ўз маҳсулотларимизни сотишга эришяпмиз.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

МАСЛАХАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Туман маҳаллалари оқсоқолларининг йиғилишида истиқлол байрамига қуриётган тадбиркорлар ҳақида суз борди. Туман ҳокими ўринбосари Илхом Расулов мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган тадбирлар режаси билан оқсоқолларни таништирди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг раиси Сайфулла Оқмирзаев маҳаллаларда қилинаётган юмушлар ва кечиктирма амалга оширилиши зарур булган ишлар ҳақида сўзлади.

— Мустақиллик байрами — йилнинг бош шодиданаси экан, уни ҳар тарафлама пишиқ-пuxта ўтказишимиз керак, — деди С.Оқмирзаев. — Ушбу муқаддас байрам дастлаб маҳаллаларимизда ўзининг аксини топиши керак. Сузга чиққан «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли Абдуллажон Гофуров, «Олтинтепа» маҳалласи оқсоқоли Обидхон Каримов ва бошқалар уларининг мулоҳазалари, таклифлари билан урқоқлашдилар. Ҳашар уюштириб, маҳаллалар худудини орасталаш, гузарларни янада кўркам қилиш тадбирлари ҳақида сўзлашди.

Тоҳир ЙҮЛЧИЕВ.

«ТО» БУГУНГИ КҮН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

□ Вилоят, шаҳар ва туманларда Олий Мажлис депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Олий Мажлис иккинчи сессияси аяқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гап борапти.

□ Гафла урим-йиғимини муваффақиятли тугаллаб, мамлакат оғирлиқларига 136 минг тонна — режадагидан 50 минг тонна кўп дон туккан Фарғона вилояти механизаторлари ҳосилни йиғиштириб олишда Қашқадарь, Самарқанд, Жиззах вилоятлари гафлакорларига ёрдамга келдилар. Улар бу вилоятларда 150 та янги комбайнлари билан донни йиғиштириб оляптилар.

□ Тошкентда Олий суднинг навбатдаги пленумида хизмат вазифаларини бажаришга қилинган янги судьялар тантанали қасамёд қилдилар. Пленумда Олий суд фаолияти билан боглиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

□ Урганчада Америка Қўшма Штатларининг тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш жамғармасини таништириш маросими бўлиб ўтди.

□ Тошкентда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Германиянинг «Шварц Фарма АГ» машҳур фирмаси билан кашандчиликка қарши самарали кураш олиб бориш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

ҲАМДУСТИҚДА

□ Грознийда Россия Федерал маъмурлари билан Жохар Дудаев вакиллари ўртасида давом этаётган музокараларда Чеченistonнинг келгусидаги мақоми хусусида ҳали бир фикрга келингани йўқ.

□ Президент Борис Ельциннинг мамлакат парламенти томонидан қабул қилган қонунни имзолаши билан Россияда энг кам миқдордаги пенсия миқдори 52 минг 486 рубль бўлди.

□ Қозғоғистонда коммунал хизматлар учун тўловлар бир неча баробар ошди.

□ 1 июндан эътиборан ВАЗ узида ишлаб чиқараётган автомобилларнинг нархини ўртача 10 фоизга оширдилар.

□ Россия қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги маълумотларига қура,

бу йил 24 миллион гектар ерда — экин майдонларининг деярли тўртдан бир қисмида қурғоқчилик руй берган. Июнь ойи охирига келиб 2 миллион гектар ердаги экинлар нобуд бўлган. Қурғоқчилик руй берган майдонларда ҳозирнинг ўзида ҳосилнинг деярли чорак қисми йўқотилди.

□ Тбилисда Грузиянинг собиқ Президенти Звиад Гамсахурдия парадфорлари бўлган, 5 кишидан иборат қўпурувчи гуруҳ қўлга олинди. Улар шаҳардаги Кура дарёси устидан ўтган кулриклардан бирини портлатишга уринаётган пайтда ушландилар.

□ Россия маъмурларининг хабар қилишларига, бу йил мамлакатда 2500 та корхона хусусийлаштирилиб, бундан 16-17 триллион рубль маблағни давлат бюджетига тушириш мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

□ Жаҳон банки пахта етиштиришни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётга ўтиш даврида ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонга 68 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилишини маълумлади.

□ Кеча Япониянинг марказий худудларида 5-6 балл куч билан

зилзила руй берди. Олинаётган маълумотларга қараганда ер силкиниши оқибатида қўрбонлар ва вайронгарчиликлар бўлмаган.

□ Финляндиядаги қозғош ишлаб чиқарадиган етакчи фирмалар шу йил 1 октябрдан бошлаб 1 тонна қозғонинг нархи 1 минг АҚШ доллари бўлишини маълум қилдилар. Ҳолбуки, 1993 йилда 1 тонна қозғош 300 доллар турар эди.

□ Гага шаҳрида Руандадаги ҳарбий жиноятлар бўйича ҳалқаро трибуналнинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Бу ерда халқаро судда ўтган йўл Руандада 1 миллион нафарга яқин киши ҳалок бўлиши билан боглиқ 400 тага яқин иш қўриб чиқилиши керак.

□ Сеул марказидаги «Сампун» универмагида газ портлаши оқибатида ҳозиргача вайроналар ортидан ҳалок булган юз нафардан кўпроқ кишининг жасади ҳамда 900 нафардан кўпроқ жароҳатланганлар топилди. Бу ерда қутқариш ишлари давом эттирилмоқда.

□ Босния серблари қуролли қучларнинг қўмондони бу ерга халқаро тез ҳаракат қилувчи қучлар сафига Германия бундсверери аскарлари келишини сабрсизлик билан кутаётганлигини маълум қилди.

12-модда. **Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.**
Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Маълумки, ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаши, ўз ақл-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигини эркин ифодасидир. Албатта, эркин фикрлаш бор бўлганда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда қўлини инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошқорлаб бериш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафкура ҳукмрон бўлади. Масалан, собиқ тоталитар тузумнинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида ком-

эгаллаган, ташкилий жиҳатдан уюшган сиёсий кучни ташкил қилади;

«Ватан тараққиёти» партияси эса юртимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлашни, миллатимиз бирлиги ва ҳалқимиз жипслигини таъминлашни бош вазифа деб ҳисоблайди;

Ташкилий жиҳатдан энди мафкура мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам сиёсий ҳаётда муҳим мавқега эга бўлиб қолмоқда;

Яқиндагина ташкил топган Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ўз Дастурида фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб олди.

Шуни айтиш утиш кераки, Ўзбекистонда сиёсий партиялардан ташкари мингдан зиёд жамоат бирлашмалари ҳам мавжуд. Яқинда



«Учқун» ҳиссдорлик жамиятида меҳнат қилаётган аёллар орасида Мовлуда опага етдигани йўқ. У бу жамоада 32 йилдан бундан ишлабди. Шуниси қувончлики корхонага келтирилган янги дастгоҳларда ишлаш сир-асорларини биринчи бўлиб Мовлуда Хайдарова ўзлаштириб, сунг бошқаларга ўргатади. Чунки у доимо ўзининг оддий туқувчилик касб сирларини мукаммал ўрганишга ҳиссдор.

СУРАТДА: туқув чехининг туқувчиси Мовлуда Хайдарова.

Рустам Шарипов олган сурат.

Меҳнат жамоаларида

ҲАМКАСБЛАРИ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

«Тошқўқумчаниш» заводда қўлаб ўз касбининг усталари, фахрийлар ва малакали ёш мутахассислар меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос олам. Мен шу заводнинг илгор ишчиси Мақсуд Мажитов ҳақида сўз қоритмоқчиман.

Мақсуднинг 10-цеҳда иш бошлаганига олти йилдан ошди.

Дастлаб чех бошлиғи Салим ака Абдурашитов ёш ишчига ўзининг иш таърибларини ўргата борди. Устозининг савий-ҳаракатлари туфайли Мақсуд секин-секин кўпнинг оғзига тушиб, жамоа орасида ўз обрўйига эга бўлди.

Орадан бир йил ўтди, Мақсуд шу цеҳга қарашли механика участкасида уста бўлиб иш бошлади. Кейин уни малака ошириш учун Новосибирск шаҳрига жўнатишди. У ердан қайтиб келган электр тушқўқумчаниш ускуналари тайёрлайдиган участкада катта уста бўлиб ишлаш бошлади.

Масъулият ишдан у сира чўчимади. Аксинча корхонада яна бир неча турдаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чи-

қаришни йўлга қўйди. Заводнинг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва уни халққа етказиб беришдаги режаларни 100 фоиздан ортиқ қилиб адо этишда Мақсуднинг ҳам муносиб улуши бор.

Мақсуднинг мустақил фикрлаши ва ўз тақлифини амалда қўрсата олиш қобилияти менга жуда ёқди, — дейди Салим ака Абдурашитов. — Унинг мана шу хислати туфайли жуда ҳурмат қиламан. Шу туфайли ҳам жамоамиз билан бир овоздан унинг энергетика участкасига бошлиқ этиб тайинланишини тавсия этдик.

Мақсуднинг эндиги янги вазифаси цеҳни электр, иссиқлик энергияси, сув, боқ, газлар билан таъминлашдан иборатдир.

Зиммамга қўлланган ҳар бир вазифани ҳалол бажаришга ва менга ишонч билдирган устозларим, ҳамкасбларимнинг ишончларини ҳосил этишга ҳаракат қиламан, — дейди Мақсуд Мажитов. Баҳолир ОРИПОВ.

Ижодиёт марказлари фаолиятдан

ЗЕРИКИШ НИМАЛИГИНИ БИЛИШМАЙДИ

Амал Икромов туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт маркази кейинги йилларда янада фаолияти, бугунги кунда бу ерда ҳунар урганатганларнинг сони 1618 тага етди. Бу ерда асосан радиоҳаваскор, ракета лойиҳаси, космик лойиҳачи, бошланғич техник моделлаштириш, котиба-иш юритувчи, радиоузуқувчи, модельер лойиҳачи, дизайнер, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа асбоблари асосчи дурадгор лойиҳачи, ёш ҳаракат назоратчилари, биринчи тиббий ёрдам, нақшошлик каби 40 дан ортиқ тугарак касб-ҳунарларнинг таълими берилади. Қўп-қўп ўқувчилар физика, бизнес клуби, информатика, компьютерлаштириш, инглиз тили каби тугаракларга катта қизиқиш билан қатнашмоқда.

Табиики, маъзур тугараклар бўйича ҳар йили туман, шаҳар, республика мусобақалари ўтказиб тулади. Равшан Иброҳимов бошлиқ қилиб турган маъзур ижодиёт маркази 8 йилдан бери шаҳар бўйича ўтказилган мусобақаларда биринчиллик, 4 йилдан бери республика бўйича биринчилликни қўлдан бермай келмоқда. Яқинда ўтказилган Республика Ижодкор ёшлар слетига техника соҳаси бўйича 4 турда 3 нафар ўқувчи биринчи ўринларни олишди.

Бу ўқувчиларимизда таърибли тарбиячиларимиз, устозларимиз Маъсуда Алимова (бизнес), Боқижон Зуфаров (миллий ҳунармандчилик), Юрий Чиннов (келажак техникаси)ларнинг салмоқли улушлари бор, — дейди Равшан Иброҳимов. — Яқин орада «Яшил чироқлар» мусобақаси ўтказилади. Бизнинг «Эдельвейс» командаси Хоразм бўйича энг кўп очко йигган команда билан кўп синашади.

— Тугаракларга тарбияси оғир болаларни ҳам жалб қилишар экан. Улар қайси соҳалар бўйича ҳунар ўтгандилар?

— Улар учун қизиқарли тугараклар кўп. Масалан, автоқўқурлаш, велосайх, картингист, авиалойиҳачи каби тугаракларга қатнашадилар. Қўрғазма хонамизда роботлар ҳам бор. Ўзи гапирадиган, эркин ҳаракатланадиган, саволларингизга жавоб берадиган бу роботларни Америкадан олиб келганимиз, балки уни тугаракларда болаларнинг ўзлари ясаган. Ёш Амал Икромов тумани вояга етмаган болалар билан ишлаш инспекцияси билан ҳамкорликда ишлашди. Уларнинг рўйхатида турган тарбияси оғир болаларни имкон қадар марказимизга жалб қиламиз.

— Марказга асосан қайси мактаблардан болалар келиб қатнашади?

— Тумандаги деярли барча мактабдан марказимизга болалар келиб қатнашади. 16 та мактабда, 2-тўра-жойлардан фойдаланиш идорасида, 4 та маҳаллада базаларимиз бор. Ўқувчиларнинг қатнашди вақтларини усталари белгилаб олган. Ўқув мажмуотлари 4 сменада бўлиб, ишраб, қашна кунлари учун эса 3 соатдан вақт ажратилган. Шундай тугараклар ҳам борки, машғулот тугатган болалар яна бир-икки соатлаб қўлиб ишлагилари келади. Оддий «Кокка-кола» каби буш туңука идишчалардан, синарет қўтиларидан ҳам буюмлар ясашади. Кейинги вақтларда катта ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳам ашё, яъни корхона чиқарилган олиш қийинлашиб қолди. Шундан бироз қийналагимиз. Бизга ҳозирда энг муҳими — ишлаб чиқариш корхоналари билан фойдали битимлар тузиб, ўқувчиларни уша ердаги касб-ҳунарларни ўрганишлари, жила курси, сир-асорини ўрганишлари ва шароитлар яратибди. Негаки, болалар эртага ана шу дастгоҳларнинг эгалари бўлишлари керак. Бунинг учун ишлаб чиқариш корхоналарининг ёрдами жуда зарур.

Зонир ТУРСУНОВ.

СУРАТЛАРДА: Амал Икромов тумани ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳаётидан лавҳалар.

Ёш давсуми бошлиғи болаларни дам олиш оромгоҳларига жўнатиш ота-оналарнинг бугунги ташвишларига айланди. Рост-да, бугунги мураккаб иқтисодий аҳволда йўлланмаларнинг баҳоси «фалон» пул турсаю бошингиз қотмай бўладими? Илгарилари ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи-хизматчиларнинг болалари учун имтиёзли йўлланмалар берилиб, бундай «ташвиш»лардан қисман ҳоли бўлинарди. Бугунги кундачи?

Тошкентдаги «ОНИКС» ҳиссдорлик жамияти касба уюшмасининг раиси Ҳасан Маъруфхўжаев бу ҳақда шундай дейди:

Касба уюшмаси ҳаёти

«БАЛАНД СОҲИЛ»ДАГИ ОРОМГОҲ

— Албатта ҳозир аҳвол бутунлай бошқача. Олдинлари корхоналар давлат қарамоғида бўлган бўлса бугунги кунда ҳиссдорлик жамиятига ўтилиб, ўз араамизни ўзимиз тортмоқдамиз. Асосий мақсадга ўтишдан олдин, аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун жамиятимизнинг бугунги аҳволи ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Корхонанинг ҳиссдорлик жамиятига ўтган беш ойлик даври ичида бир қанча қийинчиликларни енгиб ўтдик. Ҳатто бирмунча муддат ҳафтасига тўрт кундан ишлашга ҳам тўғри келди. Лекин 1 июнга келиб, яъни иш юритишнинг янги усулига ўтилган даврнинг биринчи босқичи тугагач биз яна илгаригидек беш кундан ишлаш бошладик.

Яқинда корхонада бўлиб ўтган йўғилишда иккинчи босқичда амалга оширолмоқчи бўлган режаларимиз билан ўз ҳиссдорларимизнинг хабардор этдик. Олдиндан айтиб қўймоқчиманки, бу режаларимиз бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, Германия, Чехия ва Беларусь ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очмоқчимиз. Бундан ташкари яқинда жамиятимиз бошқаруви раиси Асака шаҳрида қурилаётган автотомобиль заводиди бўлиб, уларнинг эҳтиёт қисмлар, хусусан ўт олдиригиларни етказиб бериш ҳақидаги тақлифларига розилик билдирди. Қўзлаган ана шу мақсадларимиз амалга оша бошлагач биз янги иш ўринларини ташкил этамиз.

Бугунги кунда қўпчилик маҳсулотларимиз сотилмай қоляпти. Шу сабаб, июнь ойидан бошлаб, биллур маҳсулотларимизнинг нархларини ўн беш фоизга арзонлаштирдик. Энди асосий мақ-

садга ўтиб, ана шундай иқтисодий танг аҳволда ишчи-хизматчиларимизни, уларнинг фарзандларини йўлланмалар билан қандай таъминлаб бораётганлигимиз ҳақида гапириб берсам.

326 уринли «Электрон» болалар оромгоҳимизни бир йил ушлаб туриш бизга бир ярим миллион сўмга тушади. Уч ойлик ёш давсумининг ўзида эса 1 миллион 421 минг сўмлик маблағ харажат қиламиз. Очигини айтиш керакики, ҳозир унча-мунча корхонанинг «чўнтаги» дам олиш учун бунчалик маблағни кўтара олмайди. Шуларни ҳисобга олиб уч сменага тақсимланган йўлланмаларнинг маълум қисмини «ташқарига» сотишга мажбур бўлдик. Тушган маблағ эвазига биз оромгоҳ учун спорт товарлари ва бошқа зарур ускуналарни сотиб олдик. Боз устига умумий баҳоси 2950 сўм бўлган йўлланмаларнинг бор-йўғи 5 фоизи, яъни 180 сўминигина ишчи-хизматчиларимиз тўлашади ҳолос. Шунингдек бу маблағ жамият хазинасидан 800 минг сўм пулни тежаш имконини берди.

Меҳнатқашларимизнинг ўзлари учун эса «Баланд соҳил» дам олиш зонаси хизмат кўрсатиб турибди. У ҳам биздан мавсумда 2 миллион сўмлик сарф-харажат талаб қилади. Биз бу ерда икки кунлик дам олишни уюштирганмиз. Маъмурият ва касба уюшмаси бугунги иқтисодий шароитни ҳисобга олиб шундай қарорга келди. Жума куни кечқурун корхона автобуси дам олувчиларни у ёққа олиб кетиб, яқинда куни кечга қайтариб олиб келади. Улар учун беш маҳал овқат ва дам олишнинг барча турлари муҳайё этилган. Икки кунлик ҳордиқ учун ишчи-хизматчиларимиз 60 сўм овқат ва 50 сўм йўл транспорт учун тўлашади.

Корхонанинг шундоқ ёнгинасида жойлашган сиҳатгоҳимиз ҳам ишчи-хизматчиларимизга мўлжалланган. Ёш ойларида эса биз бу ерда болаларига жой ҳозирлаймиз. Шу кунларда бу ерда 40 та оналар болалари билан дам олишмоқда. Улар учун даволанишнинг барча тиббий усуллари қўлланилмоқда. 22 кунлик даволаниш ишчи ва хизматчиларимиз учун 190 сўмдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шароитда ҳам Тошкент «ОНИКС» ҳиссдорлик жамиятида йўлланмаларнинг нархи қиммат деб қўиш қовуштирилиб турилгани йўқ. Аксинча масалалар замон талабига мос равишда ёндошиб, ишчи-хизматчиларнинг муносиб дам олишларига қўлай шароитлар яратиб берилмоқда.

Назрулла ҲАМРОЕВ.



МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

мунистик мафкуранинг яққоқчилиги урнатилган эди.

Дарвоқе, биз мафкура ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг моҳияти нима эканлигини ҳам қисқача билиб олишимиз зарур. Мафкура — бу маълум тизимга солинган гоёлар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишга, бугунги кунга ва келажакка қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат. Руслар мафкурани идеология дейишади. Бу «идея» ва «логия» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, маълум қарашлар ва гоёлар тизимидир. «Логия» аслида грекча «сўз», «таълимот» деган маънони англатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини мустақил ва эркин белгилаб олди. Эндилкида мустақил давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини яратиш асосий вазифа бўлиб қолган. Бунда бизга эски, зуравонлик билан урнатилган коммунистик мафкура мутлақо тўғри келмай қолди. Миллатимизни бирлаштирадиган, жиплаштирадиган мафкурага мутоҳлиқ яққол сезилиб қолди. Бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамизни яратиш долзарб масала қилинди. Шу йўлда қўйилган дадил қадам — бу тарихимизда биринчи марта Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланган меъёр бўлди. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгиланди. Демак, бу билан битта мафкуранинг, битта дунёқарашнинг яққоқчилигидан қатъиян воз кечилди.

Конституциямизнинг айнан шу моддасида жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтказилган туртта сиёсий партия мавжуд.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий ҳаётда ўз урнини мустаҳкам

Хайдарали МУҲАМЕДОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.



таби, кичикми, маҳалладошларнинг ҳар бирида ана шу ҳодисотларга бевосита ва билвосита дахлдорлик туғғусини уйғотсин. Зотан жиноятчиликнинг ёлғиз маъмурий органларнинг қўли билангина бартараф этиб бўлмайди. Умумхалқ ҳаракати, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг ҳаракатини билангина бу иллатни йўқотишимиз, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишни жадаллаштиришимиз мумкин.

Бир қанча муаммолар, хусусан беҳав фильмлар, зуравонлиқни тарғиб қилувчи, ўрсу билан бошланб ҳунрезлик билан туговчи фильмлар телевидение орқали кўрсатилишига қатъиян чек қўйиш, санитария милицияси иштини кўчатириб, санитария қондалари рия этилишини ҳовлима-ҳовли юри текшириб туриш таъминлини тийлаш муаммолари мутасадди ташкилотлар томонидан ҳал этилишини тезлаштириш учун маҳаллар ҳам, ички ишлар идоралари ҳам фаол ҳаракат қилинлар. Бинобарин соғлом ахлоқий тарбиялаш муштарак ишларимиз. Бунда ўрганилаётган риволда турғи таъкидланганидек, фаҳат жисмоний соғломлигини эмас, балки «Шарқона ахлоқ» одоб ва умумбаътарий гоёлар руҳида камол тогган инсонни» тушунмоқ даркор.

Ҳамонки элим деб, юртим деб ёниб яшаш кун тартибига асосий шор қилиб қўйилган экан, келинг, ҳар биримиз ҳам чинакам ватанпарвар бўлайлик, дейилди йўғилишда. Ростгўй, ҳасеавер, манфаатпарастликдан таъмон ҳоли бўлайлик. Яхшиларга эргашайлик. Пок ва адолатли, меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлайлик.

Юртимизнинг тинчлиги, осийшталлиги маҳаллардан бошланади. Шундай экан, маҳалларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, жиноятчиликка қарши курашда олдинги маррада турсин, шу йўналишдаги савий-ҳаракатлар ҳам аввало маҳалларда уйғулашсин.

Китобдаги «Айнан адолатли давлат ва диннинг илдилари муштарак эканлигини унутмайлик» деган қўрсатма халқ маънавияти, маърифатини юксалтиришга ислом дини қўшган ва қўшаётган ҳисса ҳусусида сўз юритилган, апрель ойининг охирида ўтказилган биринчи йўғилишда бўлгани каби бу гапни анжуман иккишолдан ҳам баътаъин қилиш йўли бўлиб ўтди, унинг маъзун-мундарижаси асосини ташкил этади.

Шуни айтиш жоизки, маҳалламизнинг «Комиллик сари» дастурига мувофиқ ҳозирги кунгага талайгина тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўзига ҳок «маданий юриш» уюштирилди: бутун маҳалла аҳли оила билан жамулам бўлиб Абдор Хидойтов номли таътирга тушдик. Клубимизда «Дан ва турмуш» журнали тахриратининг ижодий жамоаси билан давра суҳбатини, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг судининг, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш органларининг маъсўл ҳодимлари, таниқли олим ва шифокорлар билан учрашулар ўтказилди. Туркум маърузалар ўқилди. Ёш аълод тарбиясида мактаб ва маҳалла алоқасини мустаҳкамлашга доир дастур тадбирлари ҳам илчил ўтказиб келинмоқда. Хуллас истиклолнинг нурафшон йўлига чиқиб олган Ўзбекистонимизга муносиб, комил инсонларни тарбиялаш биз учун асосий вазифа бўлиб қолди ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолаверди.

Риҳоний КОСИМОВ, Зарқайнар маҳалласи фуқаролар йўғини раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Қадим замонларда Эронга Фаридуншоҳ ҳукмдорлик қилган экан. Кунлардан бир кун у ўз лашкарбошилари билан ов қилиш учун тоққа йўл олади. Овчилар тоғ ёнида жайронга учраб, унга ўқ узадилар. Ўқ жайроннинг белига санчилади. Бироқ у йиқилмай жон ҳолатда қоча бошлади. Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари жайрон кетидан қулаб, қайта-қайта ўқ узадилар. Бир неча ўқ жайроннинг оёқларига тешиб қиради. Оғир яраланган жонивор судрала-судрала тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб олиб, қоронгу зор бағрида гойиб бўлади.

Бир неча ҳафтадан сўнг ўша овчилар яна овга чиқиб, худди ўша тоғ ёнидан утадилар. Уларга белида ва оёқларида ўзлари отган ўқлар санчилиб турган ўша жайрон йўлиқади. Овчилар уни тутиб, қўздан кечирадилар. Таажжубки, ўқ тешган жой битиб кетган, яра устида эса қора ялтироқ нарса ёпишиб турарди. Жайрон яширинган горга қараб, улар шунақа қора модданин жуда қўпчилигини кўрадилар ва уни йиғиб, шаҳарга олиб кетадилар. Шоҳ Фаридун бу галати моддани текширишни Эроннинг энг улуғ ҳакимларига топширади. Ҳакимлар горни ҳам текшириб, бу модда унинг ёриқларидан оқиб чиқаётганини, тунда яраланган ва шикастланган жони-

Халқ табобати

ОСИЁДАН ЧИҚҚАН БЕБАҲО НЕЪМАТ

вору қўшлар келиб, уни ялаб, қўқилаб, тузалиб кетаётганларини кузатадилар. Бу модданин бебаҳолигини фаҳмлаган Фаридун горнинг озгига соқчиларни қўйиб, йилда бир марта тулланиб қолган бир хум қора моддани сарой хазинасига олдириб кетадиган бўлиб.

Шоҳ Фаридун даврдан то шу кунларгача ер юзидаги барча жонотларга даво берувчи бебаҳо суюқликнинг номи мўмий асидир. Бизгача етиб келган араб, форс, юнон, турк, ҳинд, хитой тилларидаги сон-саноксиз илмий ва тиббий асарларда бу дори худонинг энг муътабар неъмат ва инсониятнинг энг ноб топила-маси сифатида баҳоланади. Шарқнинг улуғ мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хусайн-хон Алавий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийе, Довуд ал-Антакийлар мўмий асил ҳақида қўллаб қўллай рисолалар яратиб, унинг беадад фойдаси ва улкан мўъжизаси ҳақида сўз юритганлар.

Бу баҳоси йўқ дорини бутун дунё билди. Марказий Осиё ва унинг атрофида, Эронда уни мўмий, Арабистонда «Орокул Жибол» («Тоғнинг тер суви»), Бирмада «Чао туи» («Тоғ қони»), Мугилистонда «Браг-шун», («Қоялар суви»), Ҳиндистонда «Шаложида», Сибирда «Барашхин» («Тоғ ёғи») деб аташарди. Унинг асл номи «Муми ойин» бўлиб, Фаридун яралаган жайроннинг ватани — Ойин қишлоғидаги тоғ номига нисбат қилиб аталган. «Мўмий» сузи эса юнонча «Мумия», яъни «Яхши сакловчи» суздан олинган.

